

АМУДАРЁ БЎЙИ ХУДУДЛАРИДА САВДО ЙЎЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ-МАНБАШУНОСЛИК ЖИХАТЛАРИ (АНТИК ДАВР МИСОЛИДА)

Эримматова Гулноза – Абу Райхон

Беруний номидаги Урганч Давлат

Университети тадқиқотчиси

gerimmatova@mail.com

Аннотация: [Abstract] Мақолада Амударё ўнг ва сўл соҳили худудида антик давр археологик ёдгорликларнинг жойлашиши таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: [Key words] Виноградов А.В,Итина М.А, Кесь А.С. Мамедов Э.Д, Баратов П, Маматкулов М, Рафиков А, Акулов В.В, Ибрагимов Р.З, Итина М.А, Пилипко В.Н, Амударё, Қушбулок, Султон Санжар, Қарриқизил, Тупроққала, Дошқалъа, Капарас, Элхарас.

Abstract: The article analyzes the distribution of archaeological sites from the Antiquity period located on the right and left banks of the Amu Darya.

Key words: A.V. Vinogradov, M.A. Itina, A.S. Kes, E.D. Mamedov, P. Baratov, M. Mamatqulov, A. Rafikov, V.V. Akulov, R.Z. Ibragimov, M.A. Itina, V.N. Pilipko; Amu Darya, Kushbuloq, Sultan Sanjar, Qarriqizil, Topraqqala, Doshqala, Kaparas, Elkharas.

Аннотация: В статье анализирован расположение археологических памятников античного периода на правом и левобережном Амударьи.

Ключевые слова: Виноградов А.В, Итина М.А, Кесь А.С, Мамедов Э.Д, Баратов П, Маматкулов М. Рафиков А, Акулов В.В, Ибрагимов Р.З, Итина М.А, Пилипко В.Н, Амударье, Кушбулак, Султан Санжар, Каррыкызил, Тупраккалъя Дашкала-1, Капарас, Элхарас.

Кириш. [Infroduction]. Хоразм текислиги тўрт томони очик, Қизилқум-Қорақум оралиғида жойлашган, текислик ёмғир ва қорларнинг эриши натижасида мавжуд бўлган ботиқлар сув хавзаларига айланган, улар ҳаво харорати туфайли тақир худудларга айланиб, ўз вақтида сернам ва серунум бўлиб, одамзотга хизмат қилишга тайёр турган. Ушбу мақолада антик даврда Хоразм текислигида харакат қилган Амударё ўнг ва сўл соҳили этагига уланиб кетган текислик ва баландликда жойлашган археологик ёдгорликларнинг халқаро карвон йули ривожланишида тарихий ўрнини ўрганиши мақсад қилинган.

Мавзуга оид адабиётларнинг тахлили [Literature review].

Турон пасттекислиги марказида жойлашиб, Ўрта Осиё минтақаси географик ҳолати, геоморфологик хусусиятлари ер ости тебранишларининг такрорланиб туриши натижаси маҳсули сир, унинг тузилишини Устюрт платоси, Қуйи Амударё, Зарафшон, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона каби табиий-географик вилоятлари тасвир қилади, уларнинг иқлим шароити, табиий иқтисодий-заҳираси, сув манбаси билан таъминлаши, аҳолининг жойлашиш хусусиятлари такрор қилмайди. Шу маънода Хоразм воҳаси-Қуйи Амударё хавзаси худуди бундан 25-10 миллиондан 600 минг йилликларда текислик бўлган. [1. 1974-Б. 290-291, 2.2002-Б 283]. Тарихий маълумотларга кўра, геологик жараёнлар натижасида Хоразм воҳаси бундан 4,5 млн гектар текислик бўлган, шундан 2 миллион худуд аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, турар-жойлар қад кўтарилган, ҳозирги вақтда уларни харобалари сақланиб қолган [3- 1957-С. 42].

Геологик ва археологик адабиётларда қайд қилишича, юқорида қайд қилинган Хоразм худудини 500-12 минг йилликларда музлик қоплаган [4.2020-Б 13].

12-10 минг йилликларда ҳаво ҳарорати кўтарилиши натижасида музлик шимолий томон силжиган, текислик янада сернам ва серунум бўлган. Бундан 22 минг йил аввал сўнгги тош даври ўрталарида Амударё, сув тошқини муносабати билан Хоразм текислиги ўнг ва сўл худудларга бўлинган. [5. 1979-С. 18-19]. Мил авв-ги VI-V минг йилликларда Амударёдан Оқчадарё ирмоғи Қизилқум томон йуналган, кейинчалик шимолий томон тик учбурчак шаклда шимолда Орол ботиғига сувини олиб бориши жараёнида жанубий ва шимолий Оқчадарё худуди шаклланган [6. 1960-С. 35-39].

Хоразм экспедицияси тадқиқотлари натижаларига кўра, Амударё сўл соҳили худуди неолит даври аҳолиси жойлашиб, Қушқала, Султан Санжар ва Қарри қизил манзилгоҳлари уруғ жамоалари неолит, бронза, темир ва антик даврда истиқомат қилганлар [7-1991-С 34-77.]

Амударё ўрта қисми (Сариқамиш буйи хавзаси) сўл соҳили худудига уланган баландликда аҳоли томонидан Одойтепа бунёд қилиниб, мил.авв. IX аср охири – VIII аср бошларида этник муносабатларни олиб борганлар [8-1975-С.528].

Мил.авв. IV–милодий IV асрларда Амударё ўнг ва сўл соҳили худудларида бир қатор ёдгорликлар жойлашган, жумладан ўнг соҳилда Турпаккала, Дошқала-1, сўл соҳили худудида эса, Амул, Турпаккала, Кошқала, Капарас, Эльхарас [9. 1991-С 12].

Тадқиқот методологияси қуйидагилар белгилаб олинди:

Илмий холислик, тарихий – хронологик таҳлил, назарий-қиёсий анализ, умумлаштириш, мунозара, хулоса.

Таҳлил ва натижалар [Analysis and results].

Хоразм экспедицияси ходимлари асарларида илк ўрта асргача бўлган тарихий даврда, яъни мил.авв.IV-III минг йилликларда Хоразм заминини ўзлаштирган аجدодларимизнинг табиий манбалар, Амударё саховатидан уддабурон ва эпчиллик билан фойдаланиб этник жараёнлар тарихи таҳлил қилинди. Хоразм текислиги теварак-атрофи чексиз қум уюмлари, унинг географик шароитини акс эттирган барханлари, мавсумий флораси, Қизилқум ва Қорақум сахроси шароитига мос фаунаси аجدодларимизга илк ўрта асргача босиб ўтган тарихий йули мобайнида озуқа сифатида хизмат қилган. Шу маънода ҳосил бўлган натижаларни қуйидагича фикр-мулоҳазаларда қайд қилиш мумкин:

Биринчидан Хоразм замини тўрт томони очиклиги, кўчманчи-чорвадорлар ва халқаро карвон йули чорроҳасида жойлашганлиги,

Иккинчидан Амударё сув тошқини натижасида Хоразм пасттекислиги ўнг ва сўл худудларга бўлинганлиги;

-Хоразм замини географик жиҳатдан Ўзбекистон худуди тарихий-географик худудлардан Қизилқум орқали алохидалик хусусияти бўлишига қарамасдан одамзотнинг жойлашиб, экин-текинликни олиб бориши учун қулайлиги, бу эса ватанимизнинг иқтисодий стратегиясида тарихий ўрни аҳамияти

-Шимолий, шимолий ғарбий ва жанубий худудлар сари аҳолининг ёйилиши имконияти мавжудлиги.

Хулоса ва таклифлар қуйидагича изоҳланди:

[Conclusion /Recommendations).

1.Ўзбекистон замини геоморфологик тузилиши тоғлик ва текисликдан иборатлигини тарихий-географик худудларда тасвир қилган;

2.Шундай худудлардан бири Хоразм текислиги Қизилқум сахрои шароити билан ватанимизнинг дехқончилик воҳаларидан алохидалиги;

3.Мазкур алохидалик хусусияти тарихий давр, унинг турли босқичларида кечган жараёнлардан боғлиқлиги.

4.Хоразм текислиги сўнгги тош даври (40 минг йилликлар) ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилиши, мил.авв-ги IV-III минг йилликдан Амударё сўл соҳили худудида жойлашиб, уларни авлодлари антик давргача фаолият олиб борганлиги каби хулосалар қилинди.

Мавзу буйича таклифлар қуйидагича изоҳланди:

1.Хоразм воҳаси географик ўрни, унинг географик манзараси Амударё харакатига қадар қандай ҳолатда бўлган жараёни изохлаш.

2.Амударёнинг Хоразм воҳасига хизмат қилишини илк ўрта асргача қандай даражада бўлган.

3.Ҳозирги замон шароитида Амударёдан фойдаланиш жараёни, унинг истиқболини изохлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Виноградов А.В, Итина М.А, Кесь А.С, Мамедов Э.Д. Палеогеографическая обусловленность, расселения древнего человека в пустынях к Средней Азии в плейстоцене и голоцене- М.:Наука, 1974-С. 290-291.

2.Баратов П, Маматкулов М. Рафиков А. Ўрта Осиё табиий географияси-Тошкент, "Ўқитувчи", 2002.

3.Акулов В.В. Некоторые данные о дельте Амударьи Изв ВГО Узбек фил-Ташкент, 1957. Т-III-С. 42.

4.Ибрагимов Р.З. Ўрта Осиё археологияси-Тошкент, 2020-Б 13.

5.Кесь Аральское море в голоцене //Этнография и археология Средней Азии-М:Наука, 1979-С.19.

6. Низовья Амударьи Сарыкамыш Узбой. История формирования и заселения //МХЭ-М:Наука 1960. Вып.3-С 35-39.

7.Итина М.А. Неолит и бронзовый век Южного Хорезма // Древности Южного Хорезма-М:Наука, 1991.Т-XVI.

8.Пилипко В.Н. Раскопки в Дейнауском районе Чарджоуской области //АО 1974-М: Наука, 1975-С 528.

9.Древности Южного Хорезма-М:Наука, 1991.Т.XVI-С 12.